



BIOGRAPHY OF IMAM BADRUDDIN MUHAMMAD KARDARIY

Yesengeldi Nizamatdinov*Research Institute of Natural Sciences of Karakalpakstan**Base doctorate in the Department of History**Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan**Karakalpak Branch*nizamitdinov.e@gmail.com*Nukus, Karakalpakstan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Republic of Karakalpakstan, Kardar, Hanafi madhhab, jurist, Imam Badruddin, Kardariy.

Received: 15.09.25**Accepted:** 16.09.25**Published:** 17.09.25

Abstract: This article explores the biography of the jurist Imam Badruddin Muhammad Kardariy (the date of birth or death should be indicated), who originated from the Kardar area of Nukus district in the Republic of Karakalpakstan. Based on tarjim books, his name, lineage, epithet, as well as details of his life and scholarly activity have been identified and studied. The article also highlights that Kardar jurists belonged to the Hanafi madhhab, studied its legal principles, and authored several works related to it. Importantly, the biography of Imam Badruddin Muhammad Kardariy has been studied for the first time and introduced into academic circulation by the researcher.

ИМОМ БАДРУДДИН МУҲАММАД КАРДАРИЙНИНГ
ТАРЖИМАИ ҲОЛИ**Есенгелди Низаматдинов***ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими**Қорақалпоқ табиий фанлари илмий-тадқиқот институти,**тарих бўлими таянч докторанти*nizamitdinov.e@gmail.com*Нукус, Қорақалпоғистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Қорақалпоғистон Республикаси, Кардар, ханафий мазҳаби, факих, Имом Бадруддин, Кардарий.

Аннотация: Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги Кардар худудидан етишиб чиққан факих Имом Бадруддин Муҳаммад Кардарий (туғилган санаси ёки ваф.

санасини кўрсатиш керак) таржимаи холи, исми, насаби ва лақаби ҳамда ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар тарожим китоблари асосида аниқланган ва тадқиқ қилинган. Шунингдек, мақолада Кардарлик фақиҳлар ҳанафий мазҳабида бўлиб, ушбу мазҳаб қонун-қоидаларини ўрганиб, унга оид қатор асарлар ёзганлиги ёритилган. Мухими, Имом Бадруддин Мухаммад Кардарий таржимаи холи тадқиқотчи томонидан илк мартаба тадқиқ қилиниб, илмий истифодага киритилган.

ИМАМ БАДРУДДИН МУХАММАД КАРДАРИЙ: БИОГРАФИЯ

Есенгелди Низаматдино

Каракалпакское отделение АН РУз,

Научно-исследовательский институт естественных наук Каракалпакстана, базовый докторант отдела истории

nizamitdinov.e@gmail.com

Нукус, Каракалпакстан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Республика	Аннотация:	В данной статье
Каракалпакстан, Кардар, ханафитский	исследуется биография факиха Имама		
мазхаб, факих, Имам Бадруддин,	Бадруддина Мухаммада Кардария		
Кардарий.	(необходимо указать дату рождения или смерти), происходившего из местности Кардар Нукусского района Республики Каракалпакстан. На основе тарджим-китабов уточняются его имя, родословная, прозвище, а также приводятся сведения о его жизни и деятельности. Кроме того, в статье освещается тот факт, что кардарские факихи принадлежали к ханафитскому мазхабу, изучали его нормы и законы и написали ряд трудов по данной теме. Важно отметить, что биография Имама Бадруддина Мухаммада Кардария впервые подвергнута научному исследованию и введена в научный оборот автором статьи.		

Кириш. “Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади”[1], деган эди мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев.

Дарҳақиқат, сўнги йилларда ҳукуматимиз томонидан мазкур фаолиятни ривожлантириш йўлида талайгина ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Ислом

цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказларининг таъсис этилиши бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

Асосий қисм. Диний-маърифий соҳада амалга оширилган мазкур ислохотлар бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилиш билан бирга неча асрлардан бери Ислом динига эътиқод қилиб келаётган халқимизнинг диний маърифатини янада юксалтиришда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлили диний-маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини оширишни ва малакали кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини яратишни тақозо этмоқда[2].

Албатта, ривожланишнинг тўғри йўналишини танлаш ва ушбу йўлда барқарор тура олиш учун ҳар бир жамият олдида ўз тарихини ўрганиш вазифаси туради. Бу борада юртимиз буюк тарихга эга. Бу эса айни пайтда ҳар бир изланувчи учун фахрланиш билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди.

Ўрта аср араб манбаларида Мовароуннаҳрдаги, хусусан, Самарқанд, Фарғона, Шош, Насаф, Бухоро, Қорақалпоғистон ва бошқа ҳудуд олимлари ҳақида қимматли маълумотлар учрайди. Жумладан, XIX асрда яшаб самарали ижод қилган ҳиндистонлик аллома Муҳаммад ибн Абдулҳай ибн Муҳаммад ибн Абдуҳалим Лакнавий (1264 – 1304/1847 – 1886) сарф, наҳв, мантиқ, илми мунозара, тарих ва ҳадисшуносликка оид кўплаб асарлар таълиф этган. Айниқса, аллома қаламига мансуб “Фавоид баҳиййа фи тарожум ҳанафиййа” (Ҳанафий фақиҳлари таржимаи ҳоллари ҳақида фойдали китоб) номли асарида асосан ўрта асрларда фаолият кўрсатган ислом оламидаги таниқли олимларнинг ҳаёти ва ижодига оид қимматли маълумотлар тўпланган.

“Фавоид баҳиййа фи тарожум ҳанафий-йа” асарида Кардарийларга ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Асарда Абдулғафур ибн Лукмон (баъзи манбаларда Нуъмон) ибн Муҳаммад Шараф қудот Тожиддин Абу Мафохир Кардарий (ваф. 562/1167 й.), Муҳаммад ибн Абдуссаттор ибн Муҳаммад ибн Кардарий (599/1163–633/1235), Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдулкарим Кардарий, Бадруддин Хоҳарзода (ваф. 651/1253 й.) каби кардарлик олимлар ҳақида маълумотлар бор[3].

Таъкидлаганимиздек, юртимиз буюк тарихга эга ва албатта ушбу тарих буюк аждодларимизнинг тинимсиз меҳнати ва жонқуярликлари билан боғлиқ. Бу эса уларнинг ҳаётлари, таржимаи ҳолларини ўрганиш муҳим эканлигини англатади. Мана шундай таржимаи ҳолини ўрганиш зарур алломалардан бири – Ўзбекистоннинг ҳозирги

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида яшиб, ижод қилган фақиҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд Бадруддин Кардарийдир.

Алломанинг ҳаётини ўрганишни тўртта банд асосида ташкил қилиш мумкин:

- Исми, насаби ва лақаби;
- Ҳаёти ва фаолияти;
- Устозлари ва шогирдлари;
- Вафоти.

• Исми, насаби ва лақаби. У Бадруддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдулкарим Ховаҳарзода[4] Хоразмий Кардарийдир.

Алломага Бадруддин лақаби замонасида пешқадам фақиҳлардан бўлганлиги учун берилган, яъни диннинг тўлини ойи деб мадҳ қилинган.

Исмнинг Муҳаммад бўлиши эса, алоҳида шарҳ талаб қилмайди. Зеро, аллома яшаган даврда Муҳаммад исми энг машҳур ва энг кўп учрайдиган исмлардан саналган. Шубҳасиз, бу Расулulloҳнинг исмлари бўлганлиги учундир. Олим отасининг исми Маҳмуд бўлиши ҳам ушбу сабабга кўрадир. Зеро, Маҳмуд ҳам Расулulloҳнинг исмларидан бири саналади.

Аллома исмидаги Ховаҳарзода лақабига келадиган бўлсак, Ховаҳарзода форс тилидан таржима қилинганда опасининг ўғли деган маънони ифодалайди. Бадруддин Кардарий шайх Шамсуддин Кардарийнинг[5] жияни бўлганлигидан, уни тоғасига нисбатан Ховаҳарзода, яъни Шамсуддин Кардарийнинг опасининг ўғли деб аташган[6].

Хоразмий ва Кардарий нисбаларига келсак, барчага маълумки, тарихда машҳур инсонларни туғилган ёки яшаб ижод қилган ҳудуд номига нисбатан мансублик “-ий” қўшимчасини қўшган ҳолда аташ машҳур бўлган. Бухорий, Термизий, Насафий ва ҳоказолар бунга мисол бўла олади. Биз ўрганаётган олим исмига ҳам Хоразмий ва Кардарий нисбаларининг қўшиб ишлатилиши ҳам ушбу одатга кўрадир. Яъни аллома, Хоразмда туғилган. Шунинг учун ҳам хорижий араб олимлари ўз асарларида алломани нисбатан Хоразмий нисбасини қўллагани учрайди. Лекин манбаларда олимнинг Кардарий нисбасини кўпроқ учратиш мумкин. Бу эса алломанинг эски Хоразм ерларидаги, Ўзбекистоннинг ҳозирги Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус тумани ҳудудига тўғри келадиган машҳур Кардар шаҳри номи билан боғлиқдир. Кардар шаҳрида биз ўрганаётган олимдан ташқари яна бошқа кўплаб Кардарий олимлар етишиб чиққан.

Ҳаёти ва фаолияти. Тарожим китобларида Имом Бадруддин Кардарийнинг ҳаёти ҳақида кўп маълумот келтирилмаган. Шунинг учун ҳам алломанинг туғилган йили ҳақида маълумотлар топилмаган. Лекин ҳижрий 651 йилда вафот этгани ҳақидаги маълумотлар

манбаларда мавжуд[7]. Бундан маълум бўладики, аллома яшаган замон Аббосийлар сулоласининг сўнгги даврларига, муғуллар истилоси даврига тўғри келади. Балки шунинг ҳам аллома ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар кам етиб келган.

Шунга қарамай, Кардарий олимлар тўғрисида келган манбаларда Бадруддин Кардарий ҳақида ҳам маълумотлар топиш мумкин. Юқорида келтирилган у зотнинг исм-шарифлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам шулар сирасига киради. Бундан ташқари манбаларда Бадруддин Кардарий тўғрисида келтирилган уламоларнинг фикрларини ҳам учратиш мумкин. Масалан “ал-Кофий шарҳу Баздавий” китобида у зот ҳақида шундай дейилади: “Усул ва фуруъ эгаси, маъкул ва масмуъларнинг кони, мавлоимиз Бадруддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдулкарим ал-Факийхий, аш-Шаҳнавий, ал-Кардарий”[8].

Бадруддин Муҳаммад Кардарийнинг асарлари жуда кўп учрамаса ҳам мазмун ва савия жиҳатидан уламолар ўртасида эътиборли ҳисобланади. Жумладан:

1. “ал-Жавоҳир ал-манзумату фий усул ад-дин”.
2. “Шарҳ ал-ҳийл аш-шариъа” (Имом Хассофийнинг китобига шарҳ).
3. “Шарҳ мушкилот ал-Қудурий”[9] (Имом Қудурийнинг “Мухтасар”ига шарҳ).

Имом Бадруддин Кардарий даврида дин душманлари уламоларни обрўсизлантириш, мусулмонлар орасида фитна чиқариш учун кўб ҳаракат қилишган. Ўша даврда Имом Абу Ҳанифа тўғрисида кўплаб тухмат ва ёлғон хабарлар тарқаб кетган. Кардарий уламолар бунга қарши кескин равишда курашган ва мусулмонларнинг бирлигини сақлаб, фитналарга қарши турган. Масалан Бадруддин Кардарийнинг фитначиларга қарши айтган гапи таҳсинга лойиқ. “ал-Жавҳарот ал-мудийя фий табақот ал-ҳанафийя” китобида қўйидагилар келтирилган:

Кардарий айтди: “Агар сен Абу Ҳанифа ҳеч қандай китоб ёзмаган”, деб айтсанг, сенга бундай жавоб бераман: “Абу Ҳанифанинг Калом илмига оид асари йўқ деган гап мўътазилийларнинг сўзи ва уларнинг иддаолари. Уларнинг ушбу иддаоларидан мақсад – аҳли Сунна ва ал-Жамоанинг кўплаб қоидаларини очик-ойдин баён қилган “ал-Фикҳ ал-акбар” ва “ал-Алим ва ал-мутааллим” китобларини Абу Ҳанифа (р.а.) ёзмаган деб айтиш. Уларнинг иддаолари бўйича Абу Ҳанифа мўътазила бўлган, ушбу китобни Нуъмон ибн Собит Абу Ҳанифа эмас, балки Абу Ҳанифа ал-Бухорий ёзган эмиш. Бу очик-ойдин ёлғон ва тухмат. Мен бу икки китобда устозим Шамс ал-аймма Кардарийнинг хатини кўрганман. Китобларда ушбу иккита асар Абу Ҳанифага мансуб эканлиги ёзилган. Уламоларнинг деярли барчаси буни тан олади”[10].

Устозлари ва шогирдлари. Бадруддин Кардарий ўнинг Ховаҳарзода дея зикр қилинишига сабаб бўлган тоғаси Шамс ал-аимма Кардарийдан илм олган ва ундан фикҳни ўрганган. Тоғаси Муҳаммад ибн Абдусаттор ибн Муҳаммад ибн Имодий Кардарий бўлиб, Шамсуддин номи билан танилган. У “Шамс ал-аимма” (имомларнинг қуёши) деган унвонга ҳам эга бўлган ва дунёдаги қўлаб юртлардан унинг хузурига илм талаб қилувчилар келган.

Шамсуддин Кардарий Мовароуннаҳр тарафларга сафар қилиб, Самарқандда Шайх ал-Ислоҳ Бурҳонуддин Абу Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил Марғиновий (“Ҳидоя” асарининг муаллифи) ва Шайх Маждуддин Маҳод Самарқандий (Имомзода номи билан машҳур)дан фикҳни ўрганган ва ҳадис эшитган. Шунингдек, Бухорода олим Бадруддин Умар ибн Абдулкарим Варасқий ва Шайх Шарафуддин Абу Муҳаммад Умар Ақилийдан таълим олган[11]. Бундан маълум бўладики, Бадруддин Кардарий фикҳда Имом Бурҳонуддин Марғиновийнинг неvara шогирди ҳисобланади.

Шайх катта мартабага эга бўлиб, зоҳирий далиллар келтиришда ажойиб маҳоратга эга бўлган. Унинг олдида қўлаб талабалар таълим олган ва қўлаб шогирдлари ундан истифода қилган.

Жумладан, Имом Бадруддин Кардарийнинг машҳур шогирдларидан бири фақиҳ ва муфассир Ҳофизуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафийдир. У Абу ал-Барокат кунyasi билан машҳур бўлган. У зоҳид, илмда амал қилувчи олимлардан бир[12] бўлиб, 710-711-ҳижрий йиллар орасида вафот этган[13].

Вафоти. Имом Бадруддин Кардарий (рахматуллоҳи алайҳ) Мустафо алайҳис салом ҳижратидан кейин 651 йилда вафот этган. Буни Ибн Камол Пошо зикр қилган. Шу йили ёки ундан олдинги йили Яман шайхларининг шайхи Абу ал-Ғайс ибн Жамил Яманий ҳам вафот этган. Буни Ибн Аҳдал ҳам аниқ айтган[14].

Жавоҳир асарида ҳам шундай: “У 651 ҳижрий йилнинг Зулқаъда ойида вафот этган ва ўз тоғаси Шамс ал-аимма Кардарийнинг қабри ёнида дафн этилган”[15].

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, Бадруддин Муҳаммад Кардарий таржимаи ҳолини тарожим китоблари ва бошқа ўрта аср араб манбаларида учратиш мумкин. Ушбу мақолада айрим ўрта аср манбалари асосида аллома таржимаи ҳоли тадқиқ қилишга ҳаракат қилинди. Ўйлаймизки, кейинги тадқиқотлар бу борадаги илмий маълумотларни янада бойитишда деган умиддамиз.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ. Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш., 2018 йил 16 апрель, ПФ-5416-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ. Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш., 2018 йил 16 апрель, ПФ-5416-сон.
3. Жамолов Саъдулла. Кардарлик олимлар ҳақида биласизми? / <https://einfolib.uz/post/kardarlik-olimlar-haqida-bilasizmi>
4. Абдулҳай ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Ақрий Ҳанбалӣ. Шазарот аз-заҳаб фи ахбор ман заҳаб. – Байрут: Ибн Касир нашриёти, 1986. – Ж.5. – Б.256.
5. Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Насруллоҳ, Абу Муҳаммад Қураший Ҳанафӣ. ал-Жавоҳир ал-Мудӣя фи табақот ал-Ҳанафӣя. – Ҳайдаробод: Мир Муҳаммад нашриёти, 2000. – Ж.1. – Б.236.
6. Абдулҳай ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Ақрий Ҳанбалӣ. Шазарот аз-заҳаб фи ахбор ман заҳаб. – Байрут: Ибн Касир нашриёти, 1986. – Ж.5. – Б.256.
7. Бадруддин Айний. Иқд ал-жамъан фи тарих аз-заман. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-васоиқ ал-қовмия, 2009. – Ж.1. – Б.437.
8. Идрисов Абдурахман. Кердерли алымлар ҳам олардың илимий мийнетлери. – Нөкис: Билим баспасы, 2024. – Б.33
9. Идрисов Абдурахман. Кердерли алымлар ҳам олардың илимий мийнетлери. – Нөкис: Билим баспасы, 2024. – Б.34.
10. Идрисов Абдурахман. Кердерли алымлар ҳам олардың илимий мийнетлери. – Нөкис: Билим баспасы, 2024. – Б.35
11. Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Насруллоҳ, Абу Муҳаммад Қураший Ҳанафӣ. ал-Жавоҳир ал-Мудӣя фи табақот ал-Ҳанафӣя. – Ҳайдаробод: Мир Муҳаммад нашриёти, 2000. – Ж.2. – Б.82.
12. Хайруддин аз-Зириклий. Ал-Аълум. – Байрут: Дор ал-Мулайин, 2002. 4-жилд. – Б.67.
13. Абу ал-Фазл Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний. ад-Дуар ал-Комина. – Байрут: Дор ал-Жайл, 1993. – Ж.2. – Б.247.
14. Абу Муҳаммад Афифуддин Абдуллоҳ ибн Асъад ибн Али ибн Сулаймон Яфӣйӣ. Миръат ал-Жинан– Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2008. – Б.526-527.

15. Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Насруллоҳ, Абу Муҳаммад Қураший Ҳанафий. ал-Жавоҳир ал-Мудийя фи табақот ал-Ҳанафийя. – Ҳайдаробод: Мир Муҳаммад нашриёти, 2000. – Ж.1. – Б. 236.